

«ТАСДИҚЛАНГАН»
«Микрокредитбанк» акциядорлик-
тижорат банки
Кузатув кенгаши раиси
А.А. Хаитов

Кузатув кенгаши йиғилишининг
2018 йил 9.02. 13 сонли баённомаси



«РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН»
Қимматли қоғозлар бозорини
мувофиқлаштириш ва ривожлантириш
Маркази Бош директори
Б.А. Атаханов

2018 йил «21» февраль
Рўйхат рақами P0005-23



**АКЦИЯЛАР ҚЎШИМЧА ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР
«МИКРОКРЕДИТБАНК» АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ**

Идентификация рақами берилди:

R 4 1 2 3 P 0 0 0 5 R 7

Номинал қиймати 1068 (бир минг олтмиш саккиз) сўм бўлган эгасининг номи ёзилган оддий 1 376 268 (бир миллион уч юз етмиш олти минг икки юз олтмиш саккиз) дона ҳужжатсиз шаклдаги акциялар

Акциялар ёпиқ обуна йўли билан жойлаштирилади.

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши йигирма учинчи чиқарилишдир.

Тасдиқланган: «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки Кузатув кенгашининг 2018 йил 9.02. даги 3- сонли мажлис баённомаси билан

«Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки Кузатув кенгашининг 2018 йил 9 феврал даги 3 - сонли мажлис баённомаси асосида.


Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили, мулоқот телефонлари ва электрон почта манзили – 100096, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Лутфий кўчаси, 14 уй.
Тел: 202-99-99. Факс: 273-96-29, e-mail: info@mikrocreditbank.uz.

Бошқарув раиси:



Бош бухгалтер:

Мухр

Маматкулов Ганишер Абдукаримович

Болтаев Шухрат Ахмедович

Сана: 2018 йил 09.02.

1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли): **Оддий.**
2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли – **Хужжатсиз.**
3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм): **1068 сўм.**
4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): **1 376 268 дона.**
5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): **1 469 854 224 сўм.**
6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари – **Банкнинг акциялари эгаси қўйидаги ҳуқуқларга эга:**

- Банкнинг акциядорлари реестрига киритилиш;
- депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- Банк фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- Банк тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Банкни бошқаришда иштирок этиш;
- Банкнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар ва бошқа нодавлат ноижорат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Банк Устави билан белгиланган бошқа ҳуқуқлар.

7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставидagi ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар: **Банк Уставига кўра:**

– Банк акцияларини сотиб олиш учун қуйидаги шахслар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг олдиндан рухсатини олишлари шарт:

- а) Ўзбекистон Республикаси норезидентлари;
- б) эллик фоиздан ортиқ акциялари (иштирокчилар бадаллари) Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг эгалигида, фойдаланувида ва (ёки) тасарруфида бўлган Ўзбекистон Республикаси резидентлари – юридик шахслари.

– Қуйидаги шахслар банк акциядорлари бўла олмайдилар:

- а) оффшор ҳудудларда рўйхатга олинган норезидент юридик шахслар;
- б) оффшор ҳудудларда истиқомат қиладиган чет эл фуқаролари;
- в) давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар, жамоат фондлари. Халқаро нодавлат ноижорат ташкилотлари, бюджетдан ташқари жамғармалар, агар қонун ҳужжатларида бошқача ҳолатлар кўзда тутилмаган бўлса.

Ушбу чиқарилишдаги акциялар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 3 июлдаги 704-ф-сонли фармойишига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига ёпиқ обуна орқали жойлаштирилади.

8. Банк устав капиталининг миқдори (сўм): **592 752 288 408,00** (беш юз тўқсон икки миллиард етти юз эллик икки миллион икки юз саксон саккиз минг тўрт юз саккиз) сўм;

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):

Чиқарилган акцияларнинг умумий сони: 555 011 506 дона.

Шундан:

- эгасининг номи ёзилган оддий акциялар – **554 876 506 дона;**
- эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар - **135 000 дона.**

10. Илгари жойлаштирилган облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):

Банк томонидан 5000 (беш минг) дона эгасининг номи ёзилган фоизли корпоратив облигациялар жойлаштирилган: Бундан банк облигацияларининг I (биринчи) чиқарилуви 2010 йил 15 сентябр куни P0850-сон билан Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказида рўйхатга олинган.

А) Чиқарилишдаги облигациялар серияси ва шакли: Эгасининг номи ёзилган, фоизли, ҳужжатсиз шаклдаги корпоратив облигациялар.

Б) Чиқарилишдаги облигациялар сони: 3 000 дона.

В) Чиқарилишдаги бир дона облигациянинг номинал қиймати: 1 000 000 сўм.

Г) Чиқарилишнинг умумий ҳажми (номинал қиймати бўйича): 3 000 000 000 сўм.

Ушбу чиқарилувга асосан чиқарилган корпоратив облигациялар сўндирилганлиги муносабати билан Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Марказининг 2015 йил 10 ноябрдаги 15-07/181-сонли қарорига асосан бекор қилинган.

Банк облигацияларининг II (иккинчи) чиқарилуви 2012 йил 4 октябр куни P0850-2-сон билан Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказида рўйхатга олинган.

А) Чиқарилишдаги облигациялар серияси ва шакли: Эгасининг номи ёзилган, ҳужжатсиз шаклдаги, фоизли корпоратив облигациялар.

Б) Чиқарилишдаги облигациялар сони: 2 000 дона.

В) Чиқарилишдаги бир дона облигациянинг номинал қиймати: 1 000 000 сўм.

Г) Чиқарилишнинг умумий ҳажми (номинал қиймати бўйича): 2 000 000 000 сўм.

Ушбу чиқарилувга асосан чиқарилган корпоратив облигациялар сўндирилганлиги муносабати билан Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Марказининг 2017 йил 27 ноябрдаги 15-07/030-сонли қарорига асосан бекор қилинган.

11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.

11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очиқ ёки ёпиқ обуна): (Ёпиқ обуна бўлган тақдирда, шунингдек акцияларнинг потенциал олувчилар доираси кўрсатилади).

Акциялар ёпиқ обуна орқали қуйидагича жойлаштирилади:

Юридик шахсларнинг тўлиқ номи ёки жисмоний шахсларнинг Ф.И.Ш.	Жойлаштириладиган акциялар сони (дона)
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки	1 376 268
Жами	1 376 268

11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати:

(Кўрсатилади: акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси ва тугатиш санаси ёки акцияларни жойлаштириш муддатини белгилаш тартиби. Агар акцияларни жойлаштириш муддати акцияларни чиқарилиши тўғрисидаги бирон-бир ахборотни ошкор қилиш санасини кўрсатган ҳолда белгиланса, шунингдек бундай ахборотни ошкор қилиш тартиби ҳам кўрсатилади.)

Ушбу чиқарилишдаги акциялар давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб 90 (тўқсон) кун давомида жойлаштирилади.

Акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси – акцияларнинг чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказилган сана.

Акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси – ушбу чиқарилишдаги сўнгги акцияни жойлаштириш санаси бўлиб ҳисобланади, бироқ ушбу сана давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 90 (тўқсон) кундан ошмаслиги лозим.

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:

(Кўрсатилади: Акциялар жойлаштирилишининг боришида фуқаролик – ҳуқуқий битимлар тузилишининг тартиби ва шартлари, жойлаштириш амалга ошириладиган бозорлар.

Агар эмитент томонидан акцияларни жойлаштириш эмитентга акцияларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатувчи қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларини (андеррайтерлар) жалб қилиш билан амалга оширилса, ҳар бир бундай

шахс юзасидан қушимча равишда қуйидагилар кўрсатилади: тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи; профессионал фаолиятни амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва амал қилиши муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган; ушбу шахснинг асосий вазифалари, агарда эмитент ва унга қимматли қоғозларни жойлаштириши бўйича хизматлар кўрсатувчи шахс ўртасидаги шартномада шу каби шартнома билан белгиланган муддатларда жойлаштирилмаган акцияларни охиригиси томонидан ўз ҳисобидан олиниши назарда тутилган бўлса, шунингдек ушбу муддат ва уни белгилаш тартиби).

Ушбу чиқарилишдаги Банк акциялари ташкиллаштирилмаган (уюлмаган) биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорида бевосита Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан акцияларни олди-сотди шартномаларини тузиш йўли билан ёпиқ обуна орқали жойлаштирилади, бунда шартномалар қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси томонидан рўйхатга олинади. Акцияларни жойлаштириш қонунчилиқда белгиланган тартибда амалга оширилади. Акциялар жойлаштирилиши жараёнида андеррайтерлар жалб қилиниши кўзда тутилмаган.

11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:

Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси ҳақида маълумот:

Номи – “Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси” давлат унитар корхонаси;
Жойлашган жойи ва почта манзили – 100176, Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани,
Мустақиллик شوҳ кўчаси 107-уй; телефон – 267-37-42, Факс: 267-36-94, e-mail:
info@deponent.uz, вэб адрес: www.deponent.uz.

Қимматли қоғозлар эгалари ҳуқуқларини ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачиси ҳақида маълумот:

Тўлиқ номи: “Kapital-Depozit” масъулияти чекланган жамияти;

Жойлашган жойи ва почта манзили – 100052, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улуғбек тумани,
Окқўрғон кўчаси 25-уй, телефон: 286-20-32, Факс: 286-20-31.

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби:

(Жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилган тақдирда қуйидагилар кўрсатилади:

Бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларнинг рўйхати тузилган сана (санани белгилаш тартиби;

жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш эҳтимоли тўғрисида билдириш тартиби;

жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби).

Ушбу акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорга кўра имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилиши кўзда тутилмаган.

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби:

(акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади.

Агар акцияларни жойлаштиришида акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилса, қушимча равишда бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларга баҳо ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади).

Ушбу чиқарилишдаги акциялар бозор баҳосида. лекин номинал кийматидан паст бўлмаган нарҳда жойлаштирилади.

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби:

(Акцияларни тўлаш шартлари, тартиби, шу жумладан ҳисоб-китобларнинг шакли, кредит ташкилотларининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, уларнинг жойлашган жойи, акциялар тўланишига келиб тушадиган пул воситалари кўчирилиши лозим бўлган ҳисобварақларнинг банк реквизитлари, тўлов шахобчаларининг манзили (нақд пул шаклида тўланганда).)

Акциялар пул бўлмаган воситалар билан тўланган тақдирда акциялар тўланиши мумкин бўлган мол-мулк, тўлов шартлари бундай тўлов шароитида расмийлаштириладиган ҳужжатлар (мол-мулкни қабул қилиш-топириш далолатномаси ваҳоказо) билан, шунингдек бундай мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун жалб қилинадиган баҳоловчи (баҳоловчилар) тўғрисидаги қўйидаги маълумотлар кўрсатилади: баҳоловчининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи; баҳолаш фаолиятини амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва лицензиянинг амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган.).

Акциялар учун тўловлар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида амалга оширилади. Акцияларни жойлаштириш жараёнида акциялар учун тўловлар фақат пул маблағлари билан амалга оширилади. Тўловлар нақдсиз шаклда - пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки сотиб олинган акциялар учун пул маблағларини Банк билан тузилган акциялар олди-сотди шартномасида кўрсатилган муддатда лекин акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан 90 кундан кечиктирмасдан тўлиқ тўлашлари лозим.

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби: Ушбу қарорда белгиланган муддатда мазкур чиқарилишдаги акцияларнинг олтимиш фонддан кам қисми жойлаштирилган тақдирда амалга ошмаган деб эътироф этилади. Акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб тан олинган тақдирда акциялар учун тўланган маблағларнинг қайтарилиши қўйидагича амалга оширилади.

Банк томонидан ушбу ҳолат тўғрисида ўрнатилган тартибда расмий маълумот Банк веб-сайтида, корпоратив ахборот ягона порталида ҳамда "Тошкент" Республика фонд биржаси веб сайтида ўрнатилган тартибда эълон қилинади. Акциялар учун тўланган маблағлар акциядорларнинг аризаларида кўрсатилган банклардаги ҳисоб рақамларига 3 (уч) банк иш куни давомида тўлиқ ўтказиб берилади. Акциялар учун тўланган пул маблағлари Тошкент шаҳри, Лутфий кўчаси, 14-уй манзили бўйича Банк бош офисининг транзит ҳисоб рақами орқали қайтарилади.

12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби:

Қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги ахборотнинг ошкор қилиниши Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ахборот (муҳим факт) ва қонунчилик билан белгиланган бошқа маълумотлар, акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг қонун ҳужжатлари билан ўрнатилган муддатда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Ахборот-маълумот тизими манзили – www.mikrokreditbank.uz, www.uzse.uz, www.openinfo.uz.

Банк қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарорининг асли ва нусхаси билан Тошкент шаҳар, Лутфий кўчаси, 14-уй манзили бўйича жойлашган «Микрокредитбанк» АТБ нинг Бош офисида ҳамда банкнинг веб-сайтида танишиш мумкин.

13. Бошқа маълумотлар.

Қўшимча маълумотлар йўқ.

«Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки

6 (олти) варақда рақамланган ва тикилган

Бошқарув раиси *Ш. Болтаев* Ш.Маматкулов

Бош бухгалтер Ш. Болтаев

